Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 21 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 59 (7152)

**Da`vat**

Давлатни ақл-идрок билан бошқариш халқ бошига тушган хавф-хатарни камайтириш ва бартараф этишдан иборатдир.

Абу Наср ФОРОБИЙ

**Ibrat**

Самарқанд шаҳрида ўн-ўн икки ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилган шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионатининг саралаш мусобақаларида самарқандлик Жўрабек Ҳамрокулов ғолиб чиқиб, шу йил октябрь ойида Испанияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини берадиган йўлланмани қўлга киритди.

## «6+2» ГУРУҲИНИНГ ЗАЛВОРЛИ ҚАДАМИ

Айни пайтда бутун халқаро жамоатчиликнинг ташвишига сабаб бўлаётган Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш борасида Узбекистон давлати томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар эътиборга моликдир. 1997 йилда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Афғонистонга чегарадош олти мамлакат — Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Узбекистон ҳамда АҚШ ва Россия иштирокида мулоқот гуруҳи ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди. Орадан кўп ўтмай мазкур ташаббус самараси сифатида «6+2» гуруҳи ташкил этилди ва унинг илк учрашуви 1997 йил 16 октябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтди.

19 июль куни Тошкентда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича «6+2» гуруҳининг навбатдаги учрашуви бошланди. БМТ шафелигида ташкил этилган мазкур учрашувда Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Учрашувда сўзга чиққан БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили Лахдар Брахими БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашувини қўллаб-қувватлаб Президент Ислом Каримов номига йўллаган мактубини ўқиб эшиттирди. «Афғонистондаги фуқаролар уруши узоқ вақтдан буён давом этмоқда, — дейилади мактубда. — Мен Сизнинг Афғонистон можароси бу минтақадагина эмас, ундан ташқарида ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани борасидаги ташвишингизга шерикман. Сизнинг бу низо фақат сиёсий музокаралар йўли билангина ҳал этилиши мумкинлиги ҳақидаги фикрингизга тула қўшиламан.»

Тошкент анжуманида иштирокчилар томонидан Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш чора-тадбирлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Учрашув сўнгида «Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Тошкент Декларацияси имзоланди.

(Давоми 2-бетда)

# ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК – МИНТАҚАМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШ ОМИЛИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Афғонистон бўйича "6+2" гуруҳи Тошкент учрашуви очилиши маросимида сўзлаган нутқи***

Муҳтарам делегация раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Менга халқимиз, ҳукуматимиз ҳамда шахсан ўз номимдан сизларни — мазкур учрашув қатнашчиларини Ўзбекистон диёрида самимий қутлаб, барчангизга юксак эҳтиромимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Биз бугун бу ерда юксак ва олижаноб мақсад — жафокаш Афғонистон заминида кўпдан бери кутилаётган тинчлик ўрнатиладиган кунни биргаликда яқинлаштириш учун тўпландик.

Тинчлик ва барқарорлик, энг аввало, афғон халқининг орзуси. Чунки бу халқ йигирма йиллик уруш, азоб-уқубат ва муҳтожликни бошидан кечирмоқда. Бу халқ ўзининг бутун тарихи ва мислсиз бардоши билан чинакам ҳурмат ва ҳамдардлик уйғотади.

Фуқаролар уруши туфайли вужудга келган беқарор вазият аллақачон Афғонистон чегараларини ошиб ўтиб, минтақадан анча нарида ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бугун Афғонистон ва унинг атрофида юз бераётган халқаро терроризм ва экстремизм муаммолари ҳам, наркотик моддаларни тарқатиш ва қурол-яроғ савдоси муаммолари ҳам, тобора таҳдидли тус олаётган исломни радикаллаштириш жараёнлари ҳам жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмай қолмайди.

Бугунги кунда Афғонистонда юз бераётган воқеаларни кузатиб турган ҳар бир кишини бу мамлакат аҳолиси, уни вайронгарчилик ва муҳтожликка маҳкум этган, иқтисодиёт ва кишилар ҳаётини ўнлаб йиллар орқага улоқтириб ташлаган уруш ва қарама-қаршилик туфайли ватанидан жудо бўлган барча миллат ва элат вакиллари тақдири ташвишга солмай қўймайди.

Баъзи давлатларнинг Афғонистондан жўғрофий узоқлик ўзларининг хавфсизлигига таъсир қилмайди деган умидлари асоссиз эканини вақт кўрсатди.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Афғонистонда кўп йил давом этган танглик сабабларини аниқлаш ушбу анжуман вазифасига кирмайди, десам, фикримга қўшилсангиз керак. Ҳозирги вақтда энг муҳими Афғонистондаги вазиятни қайта-қайта таҳлил этиб, бир-бирига қарши курашаётган томонларни яраштириш учун дастлабки қадам бўлиши мумкин бўлган ўша элас-элас кўринаётган келишув омилларини топишдан, янада аниқроқ айтганда — **қарама-қаршилик ва урушни бундан кейин ҳам давом эттириш бемаънилик эканлигини уларга кўрсатиб ва исботлаб беришдан иборатдир.**

Ўзбекистон ва Афғонистон халқларини кўп асрлик тарихий муштараклик анъанавий равишда бир-бирига боғлаб туради. Шуни ҳам айтмоқчиманки, ўзбеклар ва афғонлар ўртасида ҳеч қачон ғаниллик бўлмаган — Амударё неча юз йиллар давомида бизни фақат бирлаштириб турган.

Ҳозир ҳам бизнинг энг эзгу ва энг катта истагимиз тинч, барқарор ва хавфсиз Афғонистонни кўришдир. Биз Қобулда **миллий тотувлик ва ички барқарорликни таъминлашга қодир бўлган, халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳурмат қиладиган ва чегарадош мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини таъминлашга кафолат берадиган** барча томонлар вакилларидан иборат нуфузли ва кучли ҳукуматни кўришни истаймиз.

Афғонистон муаммосини тезроқ ҳал этиш минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун, биринчи навбатда Марказий Осиёни қўшни ҳудудлар ва мамлакатлар билан боғлайдиган транспорт коммуникацияларига доир узоқ муддатга мўлжалланган лойиҳаларни амалга оширишга зарур шарт-шароит яратиш ишига чинакам омил бағишлаган бўлар эди.

Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, хусусан, БМТ шафелигида "6+2" гуруҳини тузиш бўйича саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари ана шу ёндашувларга асосланган.

Катта мамнуният билан таъкидламоқчиманки, бу гуруҳ қисқа вақт ичида афғон муаммосини ҳал этиш йўлларини излашда биргаликда ҳаракат қилишда етарли тажриба тўплади.

Фақат бир фактнинг ўзи, яъни гуруҳдаги уч мамлакат — АҚШ, Россия ва Хитой — БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари шу минтақа мамлакатлари билан биргаликда "6+2" гуруҳи доирасида Афғонистон муаммосини тинч ҳал этиш йўлларини излашда фаол иштирок этаётгани — бу халқаро тажрибада жуда камдан-кам учрайдиган, айтишим мумкинки, мислсиз воқеадир.

Ўз-ўзидан равшанки, бу гуруҳни тузиш ва унинг ишини ташкил этишда, жумладан, мазкур анжуманнинг бугунги мажлиси ўтказилишида БМТ ҳал қилувчи ўринда турибди.

Шу муносабат билан БМТнинг Афғонистон бўйича махсус миссияси аҳамиятини, шунингдек, унинг раҳбари — БМТ Бош котибининг махсус вакили Лахдар Брахимининг афғон диёрида тезроқ тинчлик ўрнатилишига қаратилган самарали ишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугунги учрашувимиз жаноб Лахдар Брахимининг БМТ шафелигида "6+2" гуруҳида иштирок этувчи мамлакатлар вакиллари билан биргаликда икки йил давомида олиб борган қизғин ишининг якунидир. Бу гуруҳнинг мақсади Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлларининг умумий тамойиллари ва ягона ёндашувини ишлаб чиқишдан иборат.

(Давоми 2-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*Ф А Р М О Н И*

## 1999 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Кишиларнинг моддий фаровонлигини ошириш ҳамда республика аҳолисининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. 1999 йил 1 августдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсияларнинг, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ва ижтимоий нафақалар ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилсин.

2. 1999 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи — ойига 1750 сўм;

ёшга доир пенсия — ойига 3340 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 1750 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 3340 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 2025 сўм миқдорида белгилансин.

3. 1999 йил 1 августдан бошлаб барча турдаги пенсияларни ўрта ҳисобда 1,4 баравар ошириш уларни амалдаги қонунчиликка асосланиб қайта ҳисоблашни кўзда тутган ҳолда 1991 йил 1 январга қадар ҳамда кейинги йилларда тайинланган пенсиялар миқдорини тенглаштиришни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Молия вазирлиги ўн кун муддат ичида пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқиб тасдиқласинлар ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг муайян миқдорини белгиласинлар.

4. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимчаларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оиларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 1999 йил 1 августдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг маошларини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

7. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий фондининг белгиланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат чиқимларини камайтириш ҳисобидан 1999 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 25 ноябрдаги ПФ-2144 Фармони 7-банди истисно қилинган ҳолда ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И. КАРИМОВ***

*Тошкент шаҳри,*
*1999 йил 19 июль.*

**Test— mustaqillik mevasi**

## МУНОСАБАТ, ИШОНЧ, ИНТИЛИШ

*Мамлакатимизда таълим борасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида қабул қилинаётган қарорлар жойларда амалга оширилаётган амалий ишлар билан яхлитликда ҳозирданоқ маълум бир кўрсаткичларда ўз натижасини намоён қилмоқда. Ҳадемай ниҳоясига етадиган олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларига ҳужжат қабул қилиш тадбири ҳам айнан шу жиҳати билан аҳамиятлидир. Эшитишимизча, бу йил ҳар йилгидан ўқишни талаб этганлар сони сезиларли ошган. Шу гапга аниқлик киритиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бошлиғи Муҳсинжон Муҳиддинов билан суҳбатлашдик:*

— Боиси бизнингча, биринчидан, ҳукуматимизнинг таълимга, етук мутахассис тайёрлашга бўлган МУНОСАБАТи, унга қўйилаётган жиддий ТАЛАБ. Иккинчидан, ёшларимизда касб-кор эгаллашга, шу билан ўз келажагини муносиб яратишга бўлган онгли ИНТИЛИШнинг ошиб бораётганлиги. Учинчидан, улардаги ушбу саъй-ҳаракатларни натижали якунлашга хизмат қиладиган, холис, ҳаққоний ва барча учун бирдек очиқ — «тест майдони»нинг мавжудлиги ва унга бўлган ИШОНЧ *(2 - 3 нафар фарзанди ўз билими эвазигагина олий ўқув юрти талабалари бўлган кўплаб ота-оналарнинг ҳаяжондан кўзларига ёш олганларини гувоҳи бўлганмиз — А.Р.).* Бу ҳолни яна барча соҳалардаги

(Давоми 2-бетда)

***«Яқинда, шу ўқув йили бошланиши билан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида 24-мактабнинг янги биноси қуриб битказилди. Бу мактаб бугунги замонавий ҳаёт талабларига жавоб берадиган ўқув даргоҳига айланди. Бир қарашда, бу мамлакат миқёсида, Тошкент шаҳри миқёсида унчалик кўзга ташланмайдиган воқеа. Лекин бунга бошқача кўз билан қарасак, шу мактабда тарбия олаётган 1800 боланинг 1800 оиласи мана шу ғамхўрликдан баҳраманд ва бахтиёр бўлганига мен ишонаман.***

***Қани энди шундай олижаноб воқеалар юртимизда, ҳар бир шаҳар, туман ва қишлоқда янада кўпроқ бўлса! Қани энди, ҳар қайси ҳокимлик вазифасида ўтирган, ўзини халқ етакчиси деб ҳисоблайдиган раҳбар биттадан шунга ўхшаш мактаб қурса.***

***Шундай олижаноб вазифани ўз зиммасига олиб, ҳамма имкониятларни сафарбар этиб, жойлардаги ҳокимларимиз ҳар бир туманда камида биттадан, замонавий, ҳавас қилса арзигулик мактаб қуради деб ишонаман».***

**Ислом КАРИМОВ**

**(Ижобий ишларимизни охирига етказайлик. «Маърифат» газетаси,1994 йил 28 сентябрь).**

## САККИЗ ЙИЛЛИККА САККИЗТА ЯНГИ МАКТАБ

Бир туманда бир йилда саккизта янги мактаб ишга тушиши ҳақиқатан ЯНГИЛИК. Бу гапни эшитгач, фикрларни жамлаш учун биз ҳам уни бошқаларга етказдик. Билдирилган фикрлар хилма-хил бўлди. Гапнинг моҳиятига тушунмаганлар «қизиқ гапларни қўйинглар» дейишди. Тушунганлари «бу ишга киришганнинг отасига раҳмат» айтишди.

Ўтган йили қўшни давлатларнинг бирида маорифчилар анжумани ўтказилди. Унда меҳмон сифатида қатнашган вакилларимиз ўша давлат раҳбарининг анжуманда қатнашиб, сўзлаган нутқидаги бир жиҳатни такрорлаб юришади. Нотиқ мустақиллик йилларида давлат бўйича 10 дан ортиқ мактаб қурилганлиги бу соҳадаги ишнинг тўхтаб қолмаганлигидан далолатдир, деган фахр билан.

Давлатимизда эса ҳар йили 180 дан ортиқ янги мактаб қурилмоқда. Барпо этилаётган янги коллеж ва лицейларни айтмайсизми?, Қолаверса,бир туманда саккизта мактабнинг қурилиши қўшни республиканинг 7 йиллик иши билан тенглашиб турибди. Шундай ташаббус билан чиққан Самарқанд вилоятининг Ургут туманида бўлдик. Тасодифни қарангки, бизнинг ташрифимиз туманнинг ғалла топшириш бўйича режасини бажарган кунига тўғри келди.

Ургут тумани ҳақида барча эшитган. Ўзига хос табиати, деҳқончилигию саноати, аҳолисининг ишбилармонлиги билан ажралиб туради. Камина ҳам бу туманда уч-тўрт йил аввал бўлганлигимни ва ўша ташриф натижаси танқидий руҳдаги мақола бўлганлигини ҳам яширимайман. Мавзу қисман авария ҳолатидаги мактаб муаммоси эди...

### ҲОКИМ ТАШАББУСКОР БЎЛСА!

Энди туман ҳокими Холмуҳаммад Нуруллаев ҳақида икки оғиз сўз. Ярим йилдан буён туман ҳокими вазифасида ишлайди. Аввал Самарқанд вилоят ҳокимининг ижтимоий йўналиш бўйича ўринбосари лавозимида ишлаган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури моҳиятини яхши англайди, мактабнинг баркамол авлод тарбиясига, юртимиз тараққиётига таъсири беқиёс деб билади.

Булар туманда мустақиллигимизнинг саккиз йиллигига саккизта янги мактаб ғояси ўз-ўзидан пайдо бўлмаганлигига далиллардир.

— Туманга ҳоким бўлиб келгач, ҳудуддаги мактабларни айланиб, шароитни таҳлил қилиб кўрдим, — дейди биз билан суҳбатда Х. Нуруллаев. — 131 та мактабнинг 34 тасида болаларимиз замонавий мактабларда, қолганлари эса мослаштирилган биноларда таҳсил олишар экан. Иккита авария ҳолатидаги мактаб борлигини вилоятда ишлаб юрган чоғимданоқ билардим. Биринчи қилган ишимиз шу икки мактабни бориб кўриш бўлди. Рости, аҳвол мени жуда ранжиттанди. Аҳвол шу даражада эдики, мактаб деворларига ёғоч тиргак тираб қўйилган эди. Иккала мактабнинг ўрнига тўхтаб қолган янги қурилишни битказишга киришдик. Имконият бор эди, фақат унга ИСТАК керак экан.

(Давоми 3-бетда)

**Tashabbus**

## ЁЗУВЧИЛАР «МЕҲРИБОНЛИК» ОРОМГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Бўстонлиқ туманида ташкил этилган «Меҳрибонлик« оромгоҳида ёзувчилар билан учрашув ўтказилди. Ёзувчилар Сафар Барноев ва Ёқуб Хўжаевлар иштирокидаги ташриф Республикамизнинг барча вилоятларидаги меҳрибонлик уйларидан келган болажонларга бебаҳо руҳий кўтаринкилик бахш этди. Учрашув давомида оромгоҳ тарбияланувчиларига турли китоблар, қизиқарли журналлар совға қилинди. Гарчи, болалар қизиқишларига мос, барча йўналишлар бўйича тўгараклар мунтазам ишлаб турган бўлса-да, бу даргоҳда уюштирилган жонли учрашувлар тарбияланувчилар ҳаётида унутилмас бўлиб қолса, ажабмас.

**Раъно ҲИДОЯТОВА**

## JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Илҳом Салиевич Акрамов Ўзбекистон Республикасининг Эрон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарорига кўра Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 1999 йил 19 август куни Тошкент шаҳрида чақирилади.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

• Вазирлар Маҳкамасида Республика Фавқулодда ҳодисалар комиссиясининг мажлиси бўлди.

• Расмий ташриф билан ХХР га келган Янги Зеландия Бош вазири Женни Шипли хитойлик ҳамкасби Чжу Жунци билан бўлиб ўтган музокаралар чоғида ўз ҳукуматининг «Ягона Хитой» тамойилига амал қилишини маълум қилди.

• Яманда Президент сайловини ўтказиш санаси белгиланди, сайлов 23 сентябрда бўлиб ўтади.

• Нигерия Республикасида мамлакатнинг янги Конституциясини қабул қилиш масаласи бўйича референдум ўтказилмоқда.

• Ҳиндистон ҳукумати Покистон билан Кашмир вилоятида келиб чиққан қуролли можаро тугаганлиги ҳақида расман хабар берди.

# ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК – МИНТАҚАМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШ ОМИЛИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Афғонистон бўйича "6+2" гуруҳи Тошкент учрашуви очилиши маросимида сўзлаган нутқи***

(Боши 1-бетда)

Анжуманнинг кўп иштирокчилари фикримга қўшиладилар деб ўйлайман — Афғонистондаги бугунги вазиятни асосан Афғонистон жамиятининг таркибий қисмини ташкил этувчи икки куч — "Толибон" ҳаракати ҳамда унга қарши турган Аҳмад Шоҳ Маъсуд раҳбарлигидаги бирлашган гуруҳ шакллантирмоқда.

Ҳозирги вақтда Афғонистон можаросининг кўпгина иштирокчилари, шунингдек, уларнинг орқасида турган кучлар Афғонистон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини тушуниб етмоқда. Афғонистон можароси бошлангандан то бугунги кунгача бўлган даврдаги мисли кўрилмаган бу вазиятни тўғри баҳоламаслик мумкин эмас.

Афғонистон ичидаги кучлар ўртасидаги уруш ҳаракатларини тўхтатиш ва музокарани қайтадан бошлаш зарурлиги бирбирига қарши курашаётган томонлар ўртасида музокаралар жараёнини бошлашга ана шу ноёб имкониятни тушуниб етиш ва англашни тақозо қилмоқда.

Айни ҳозирги вақтда вужудга келган вазият мазкур анжуманнинг барча иштирокчиларидан, бизнинг фикримизча, асосий вазифани — **музокаралар жараёнини бошлаш, бутун Афғонистон халқи, ундаги этник гуруҳлар манфаатларини кўзлаган ҳолда қарашларнинг ўхшаш нуқталарини, ўзаро мақбул бўладиган келишувларни излаш йўли билан музокаралар жараёнини шакллантириш бўйича ўзаро мақбул умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш вазифасини ҳал қилишда катта** масъулиятни талаб қилмоқда.

Бу ёндашувларни ишлаб чиқишда воқеалар тақозоси билан Афғонистон можаросига бошқаларга нисбатан кўпроқ жалб этилган икки мамлакат - Покистон ва Эроннинг қарашларининг яқинлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлади, десам, фикримга қўшилсангиз керак.

Айни пайтда "Афғонистон қўшнилари ва дўстлари" гуруҳи фаолиятининг асосий тамойили мустақил давлат ички ишларига аралашмаслик, унинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш эканини таъкидлаш зарур. Кўп йиллар давомида Афғонистоннинг ички ишларига четдан аралашиш афғонларда табиий равишда воситачиларга ишончсизликни вужудга келтиргани эътиборга олинса, бу тамойил алоҳида аҳамият касб этади.

**Афғон халқи ва унинг раҳбарлари ўз мамлакатлари тараққиётнинг қайси йўлидан боришини ва тинч ҳаёт қандай ҳукумат бошчилигида тикланишини ўзлари мустақил равишда танлаб олишлари керак.**

Биз ҳозир йигирма йилдан ортиқ давом этаётган беҳуда хунрезлик ва вайронагарчилик даврида вужудга келган ҳамда илдиз отган жуда кўп эски муаммолар мавжуд бўлган узоқ ва мураккаб йўлнинг бошида турганимизни тушунамиз.

Назаримизда, Афғонистон жамиятининг тинч ҳаёт йўлига қайтиш жараёни **шошма-шошарликсиз**, босқичма-босқич амалга оширилиши лозим.

Биз "6+2" гуруҳининг ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари даражасидаги бундай учрашувларни мунтазам равишда навбати билан гуруҳнинг бошқа мамлакатларида ўтказиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Навбатдаги учрашувни балки Ашгабадда ўтказиш мумкин бўлар. Ҳозирги учрашув чоғида Тошкент Декларациясини имзолашдан ташқари, барчамиз музокаралар жараёни механизмини ишлаб чиқиш тўғрисида ўйлаб кўришимиз лозим.

**Назаримизда, музокаралар механизмида аввалгидек БМТ Бош котибининг Афғонистондаги махсус вакили ва махсус миссияси асосий ўринда туриши керак. Олдига қўйилган янги вазифаларни ҳисобга олиб, уларнинг мандатлари ва ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва кенгайтириш лозим бўлади.**

Шундай қилиб, "6+2" гуруҳи воситачилигида тинчлик жараёнини янада ривожлантириш ҳар бир янги босқичга Тошкент Декларациясини тамойилларига мувофиқ равишда аниқ натижалар билан чиқишимизга имкон берган бўлур эди.

Шу муносабат билан БМТ шафелигидаги "6+2" гуруҳи ёрдамида бундан кейинги тинчлик жараёни истиқболлари, назаримизда қандай бўлишини айтишга рухсат этгайсиз, бу тинчлик жараёни қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

**Биринчидан**, БМТ Бош котибининг махсус вакили воситачилигида бугун Афғонистонда бир-бирига қарши курашаётган **икки асосий куч** ўртасида ўт очишни тўхтатиш, ҳарбий асирларни айирбошлаш, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамини етказиб бериш учун йўлларни очиш ва ички тўсиқларни олиб ташлаш тўғрисида битимлар тузиш зарурий дастлабки босқич бўлади.

**Иккинчидан**, кейинги босқичда Афғонистоннинг давлат тузуми ва барча томонлар вакилларидан иборат ҳукумат тузишнинг асосий тамойиллари бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Учинчидан**, Афғонистондаги можарони бартараф этиш, шу жумладан қочоқларни қайтариш, миналардан тозалаш, қуролсизланиш ва шу каби бошқа масалалар тўғрисида қарама-қарши томонлар ўртасида Умумий битимлар якунловчи мажмуини қабул қилиш. Афғонистон томонлари рози бўлган тақдирда, уларнинг ўртасидаги Умумий битимлар "6+2" гуруҳига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари иштирок этадиган учрашувда имзоланиши мумкин бўлур эди.

**Тўртинчидан**, Афғонистондаги ички тинчлик жараёни билан бир вақтда "6+2" гуруҳига аъзо мамлакатлар Афғонистонни урушдан кейинги тиклашга қаратилган **кенг кўламли инсонпарварлик ҳамда молиявий-иқтисодий ёрдам** кўрсатиш бўйича халқаро дастур ишлаб чиқишлари мумкин. Шу муносабат билан биз Япония ҳукуматининг Токиода Афғонистонга ана шундай ёрдам кўрсатиш хусусида халқаро конференция ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз.

**Бешинчидан**, воқеалар ана шу тарзда ривожланиб борса, якунловчи босқичда БМТ Бош Ассамблеясининг Афғонистон бўйича махсус сессиясини ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мумкин бўлур эди. Бундай сессиянинг ўтказилиши мазкур мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича якунловчи битимлар халқаро ҳамжамият томонидан сиёсий жиҳатдан эътироф этилганининг рамзи бўлур эди.

Бундай сессияни чақириш Бош Ассамблеянинг 1980 йилдаги олтинчи фавқулодда махсус сессиясида қабул қилинган, хусусан **"Афғонистон халқига ташқаридан ҳеч қандай аралашувсиз, қўпорувчилик фаолиятисиз, мажбур қилмасдан ёки тазйиқ ўтказмасдан ўз бошқарув шаклини белгилашга, ўз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тизимини танлаб олишга имкон бериш"**га даъват этувчи резолюциясининг мазмунига тўла-тўкис мос келур эди.

Ушбу анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавола этилган **"Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида"**ги Тошкент декларацияси лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотида узоқ вақт тер тўкиб қилинган ишнинг натижасидир, у **"6+2" гуруҳига бирлашган деярли барча "Афғонистон қўшнилари ва дўстлари"нинг позициясини ифодалайди.**

Бу ҳужжатни ва унда кўзда тутилган узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган дастурни маъқуллаш ва қабул қилиш Афғонистонда тинчликка эришиш бўйича музокара жараёнига ишончли ва адолатли пойдевор қўйишига аминман.

Хонимлар ва жаноблар!

Ушбу анжуманнинг барча иштирокчиларига: Афғонистон вакилларига, АҚШ делегациясига, Россия делегациясига, ХХР делегациясига, Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркманистон делегацияларига, табиийки, БМТ вакилларига Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлидаги ҳаракатлари учун чуқур эҳтиром ва миннатдорлик туйғуларини яна бир бор изҳор этишга ҳамда барчангизга кўзланган мақсадни амалга оширишда — **Афғонистонда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка эришишда** катта сабр-қаноат тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

## «6+2» ГУРУҲИНИНГ ЗАЛВОРЛИ ҚАДАМИ

(Боши 1-бетда)

Шундан сўнг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда учрашув қатнашчилари бир овоздан Тошкент Декларацияси Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлидаги залворли қадам бўлганлигини таъкидладилар.

«Тошкент учрашуви БМТ билан ҳамкорликда амалга оширилди, — дея ўз фикрини билдирди анжуман иштирокчиси АҚШ делегациясининг бошлиғи, АҚШ Давлат котибининг ёрдамчиси Карл Индерфурс. – Учрашувнинг ташкил этилишида Президент Ислом Каримовнинг жуда катта хизмати бор. АҚШ Узбекистоннинг ушбу анжуманни «Толибон» ҳаракати ва Афғонистон бирлашган фронти вакиллари иштирокида ўтказиш ташаббусини юқори баҳолайди ва ҳукуматимиз Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлларини излашда ҳар томонлама ёрдамга тайёрдир».

«Қарама-қарши томонлар — «Толибон» ҳаракати ва Афғонистон бирлашган фронти вакилларининг учрашувда иштирок этаётганлиги катта аҳамиятга эга ва бу бизга катта умид бағишлайди, — дейди Россия Федерацияси делегацияси бошлиғи, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Василий Средин. – Учрашувнинг ўзи ҳам, унда қабул қилинган ҳужжатлар ҳам қарама-қарши томонлар музокаралар столи атрофига утириб, можарони бартараф этишга қаратилган бевосита мулоқотни бошлашлари учун жиддий туртки булишига умид киламиз.»

Шу куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «Дурмон» қароргоҳида «6+2» гуруҳи учрашувида иштирок этаётган Эрон делегацияси раҳбари, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Завад Зарифни, Покистон делегацияси раҳбари, Покистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ифтихор Муршидни ҳамда Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати делегацияси раҳбари, толиблар ҳукуматининг ахборот вазири мулла Аминхон Муттақий ҳамда ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Мавлавий Абдураҳмон Зоҳидни қабул қилди.

Мулоқотлар чоғида Тошкент учрашувида кўтарилган муаммоларни ҳал этиш борасидаги масалалар хусусида сўз борди.

## ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИК АТЛАСИ ЯРАТИЛДИ




Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги фармойишига мувофиқ «Ўзбекистон географик атласи» яратилди. Географик атлас умумий ўрта таълим мактабларининг 7- ва 8-синфларида «Ўзбекистон табиий географияси» ва « Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий географияси» дарсларида қўлланишга мўлжалланган. У Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети география факультети профессор ва ўқитувчиларининг катта хизматлари меваси бўлди.

Географик атлас ўрта мактаблардаги дарслик ва ўқув қўлланмаларга мувофиқ ҳолда яратилган, ҳар бир харита дастур ва дарслик мазмунига тўла мос келади. Ўқувчиларга мустақил Ватанимизнинг географик нуқтаи назардан пухта ўрганишларида бу атласининг ўзига яраша хизматлари бўлиши шубҳасиздир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, географик атлас «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда яратилган.

Аввалгилардан фарқли ўлароқ, янги географик атлас хариталарининг янгиликлари жуда кўп.

Унда, энг аввало, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги ўзгаришлари ўз аксини топган.

Аввал ишланган саноат хариталарида иқтисодий кўрсаткичлар харитада диаграммалар билан берилганда ҳам улар бир неча бўлакларга бўлиниб ранг берилар эди. Бу харитада диаграммаларнинг тузилишини доираларнинг ўзига жойлаштириб, бир вақтнинг ўзида ҳам саноатнинг ялпи маҳсулоти ва аҳолининг сони тасвирланган.

Газ қувурлари аввалги хариталарда бир хил қалинликдаги чизиқлар билан берилган бўлса, янги атлас хариталарида газ қувурларининг газ узатиш миқдорига қараб йирик, ўрта ва кичик қувурларга ажратилиб, чизиқлар миқдор кўрсаткичи асосидаги қалинликда берилган.

Қишлоқ хўжалигига оид хариталарда деҳқончилик, чорвачилик кабилардаги алоҳида миқдор кўрсаткичларига асосан харита диаграммалари тасвирланган. Қазилма бойликларини тасвирлашда миқдор кўрсаткичларига алоҳида эътибор берилган.

Электр узатиш тармоқлари ҳам аввалгилардан фарқли электр узатиш қувватини эътиборга олган ҳолда 3 хил қалинликдаги чизиқлар билан кўрсатилган. Дарёларнинг электр энергияси олишдаги салмоғи, дарёларнинг тўйиниш манбаларининг аниқ ифодаси билан муҳим маълумот беради. Атласда Орол денгизининг ҳолати ҳам кўрсатиб берилган. Шунингдек, атласда дарсликларга асосланиб, Республикамиз табиий географик ҳудудлари ва иқтисодий географик ҳудудлари алоҳида тасвирланган.

Хуллас, республикамизнинг табиати, табиий ресурслари, экологиясига, иқтисодиётига оид бўлган янги маълумотларни тўла акс эттирган, хариталарнинг мазмунини очувчи жадваллар, диаграммалар ва фотосуратларга бой «Ўзбекистон географик атласи» Ватанимизнинг табиий ва иқтисодий географиясини тўлиқ ўрганишда амалдаги дарслик ва ўқув қўлланмалар мазмунини бойитади. Ўқувчиларга эса бу фанлардан чуқур билим олишлари учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

**Qaror va ijro**

**Муҳаббат ТИЛЛАБОЕВА,**
**Республика Таълим маркази кимё-биология ва география бўлими бошлиғи муовини**

# МУНОСАБАТ, ИШОНЧ, ИНТИЛИШ

(Боши 1-бетда)

каби таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш борасидаги давлатимиз сиёсатининг тўғрилиги, мақсадлилигидан далолат деб ҳам баҳолаш мумкин.

Бугунгача бўлган ҳужжатлар қабули ҳақидаги маълумотга кўз югуртирадиган бўлсак, қувонарли манзарага гувоҳ бўламиз. Айниқса, вилоятлардаги олий ўқув юртларида бу кўрсаткич кескин ошган: Андижонда 1423 тага, Наманганда 1691 тага, Фарғонада 3622 тага, Сурхондарёда 1671 тага, Самарқандда 1607 тага, Сирдарёда 1036 тага абитуриентлар сони кўпайган. Албатта, бунга сабаб, жойларда ҳам ёшларнинг ўқиб ўрганишлари учун шарт-шароит яратилаётганлиги, маҳаллий кадрлар етиштиришга бўлаётган эътиборнинг кучаётганлиги.

Ёшларимиз танлашаётган йўналишларга келсак, асосан иқтисодиёт, педагогика, медицина, ҳуқуқшунослик ва техник йўналишларда бу йил конкурс катта бўлиши кутилмоқда. Педагогика йўналишига тўхталадиган бўлсак, айрим университет, институтларда биология йўналишида 1 ўринга 30 та, бошланғич таълим педагогикаси ва методикасига 14,5 та талабгор тўғри келади. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун педагоглар тайёрлайдиган олий ўқув юртларида ўқишни хоҳиш этганлар ҳам анчагина. Бу рақамлар ўз-ўзидан энг билимли, энг иқтидорли талаба танлашга ва улардан етук мутахассис тайёрлаш имкониятти ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Албатта, бу ўсишлар бизнинг марказимиз зиммасига бир талай вазифаларни юклайди. Жумладан, абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилишдан тортиб, уларни сифатли саралаш ва натижани чиқариш каби тадбирларни кўнгилдагидек ташкил этишимиз лозим. Шу мақсадда биз ҳозирда олий ўқув юртлари жойлашган барча туманларда ўқув-семинарлари ташкил этганмиз. Уларда ҳокимиятлар томонидан белгиланган аудитория раҳбарларига тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Марказ томонидан чиқарилган «1999 йилда ўқув юртларида тест ўтказиш бўйича меъёрий ва йўл-йўриқ ҳужжатлари» қўлланмаси тест синовларини ўтказишга масъул бўлган барча кишиларга тарқатилди. Бу масалага жиддий қарашимиз боиси, шунча қилинган ишлар, умидлар, ишончлар аудитория раҳбари ёки назоратчиси томонидан қилинган биргина ножўя ҳаракат билан йўққа чиқиши мумкин. Шунинг учун биз аудитория раҳбарлигига ҳам кўпроқ педагогларни жалб этишни маъқул топдик.

Умуман олганда, 1 августни рамзий маънода билимлар синови, билимдонлар беллашуви куни деб ҳам аташимиз мумкин. Бу чинакам мусобақада сараларнинг саралари юзага чиқади. Юқорида қайд этган рақамларимиз эса буни тўлиқ исботлаб турибди. Республика бўйича олий ўқув юртларига ҳужжат топширишнинг ўттан 1997, 1998 йилга нисбатан амалдаги 1999 йилги (қуйида) қиёсий гистограммаси ҳам бу борадаги ўсиш суратини яққолроқ тасаввур этишимизга ёрдам беради.

**А.РАҲИМОВ**
**суҳбатлашди**




# ТАЛАБГОРЛАР КЎП

**Abiturient – 99**

Тест синовлари бошланишига саноқли кунлар қолди.

Ҳужжатлар қабули поёнига етмоқда. Фарғона Давлат университети қабул комиссиясининг масъул котиби, техника фанлари номзоди, доцент Ёқубжон Усмонов билан бўлган суҳбатимиз шу жараённинг қандай кечганлиги,натижалари ҳақида бўлди:

— Университетимизда 21 та йўналиш мавжуд. Уларга бу йил 1100 нафар талаба қабул қилинади.Аризалар эса 7 мингга яқин.

Биз бундан шошиб қолганимиз йўқ, аксинча хурсандмиз. Чунки бу кўрсаткич университетнинг обрў-эътибори ошиб бораётганлигини билдиради.

Ҳуқуқшунослик соҳасига қизиқиш йилдан-йилга ошиб бораётир. Бу йил ҳуқуқшунос-педагог (кундузги), хўжалик ҳуқуқи (сиртқи) ихтисосликлари умумлаштирилиб, ҳуқуқшунослик йўналиши деб ўзгартирилди.

Ҳужжатлар қабулини уюшқоқлик билан ўтказишга университет раҳбарияти алоҳида эътибор қаратди. Бу ишга 30 киши жалб қилинди. 8 кишидан иборат оқсоқоллар кенгашига шу даргоҳ илм- фан фидойиларини кириттик. Улар абитуриентлар билан суҳбатлашиб, ҳақиқатан ҳам ўша касб-корга мойиллиги бор-йўқлигини саволжавоб орқали аниқладилар,керакли маслаҳатлар беришди.

Абитуриентлар билан тушунтириш ишлари икки босқичда олиб борилмоқда. 15 июлдан эътиборан фанлар бўйича 6-8 соатлик консультациялар уюштирилаяпти. Тест саволлари юзасидан турли саволлар, мунозаралар профессор-ўқитувчилар иштирокида бўлаяпти.

Тест варақаларини тўлдириш бўйича кўрсатма ва маслаҳатлар бериш қабул комиссияси гарданида. Ҳар бир абитуриент бу борада етарлича маълумот олади.

Тест бўладиган аудиториялар бизда 4 минг кишига мўлжалланган. Ўтган йили 3777 нафар абитуриент тестга кирган бўлса, бу йил камида 7 мингга яқин киши ҳисобда турибди. Шуни назарда тутган ҳолда, биз ўз ҳудудимизга яқин 6-,2-,3-ўрта мактабларнинг синфхоналарини ижарага олишни мўлжаллаяпмиз. Вилоят ҳокимлиги бу борада ўз ёрдамини кўрсатмоқда.

Энг кўп ариза тушаётган факультетлар ҳуқуқшунослик (1 ўринга 20 киши), ўзбек филологияси(1 ўринга 10 киши), инглиз филологияси (1 ўринга 8 киши),иқтисод (1 ўринга 10 киши)дир. Тупроқшунослик, касб таълими ва табиий фанларнинг рус гуруҳларида абитуриентлар жуда кам.

Ҳар кимнинг ўз хоҳиш иродаси. Қайси соҳани танлаш ҳар бир йигит-қизнинг шахсий иши. Биз эса билимдон, истеъдодли ёшларнинг университет талабаси бўлиш тарафдоримиз.

**Ҳулкар ТЎЙМАНОВА**
**ёзиб олди.**

**Tahlil**

Инсоннинг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришда ўқитувчи, мактаб, китоб ва кутубхоналарнинг ўзига хос ўрни бор. Шунинг учун ҳам бу мўътабар масканга ҳеч бир муассасани тенглаштириб бўлмайди. Ўқувчи шахсини шакллантиришда таълим муассасалари кутубхоналарининг таъсир кучи устивордир.

Бугунги кунда республика ўқувчи ва ўқитувчиларига 42855700 нусха китоб фондига эга бўлган 9313 та таълим муассасалари кутубхоналари хизмат кўрсатмоқда.

Ҳозирги кутубхоналарнинг иш фаолияти қай даражада, қандай ютуқ, камчилик ва муаммоларга эга? Таълим муассасасини кутубхонасиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис таълим билан бирга кутубхона соҳасини ҳам ислоҳ қилиш, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, «ёшларни маънавий камол топтиришда муҳим тадбир ҳисобланади. Бу борада Андижон вилояти, Хўжаобод туманида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур тумандаги 1-, 18-мактаб кутубхоналарининг иш тажрибаси мақтовга лойиқ. Кутубхоналар яхши жиҳозланган, илмий, бадиий, илмий-оммабоп ва методик янги адабиётларнинг рўйхатлари бериб борилади. Китобхонлар қатнови доимий равишда қайд қилинади. Услубий адабиётлар рўйхати тузилган. Китобхонлар билан ишлаш самарали йўлга қўйилган.

Бухоро шаҳридаги 11-, 19-, 21-мактаблар, Самарқанд вилояти, Боғишамол туманидаги 45-мактаб, Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли туманидаги 1-мактаб гимназиясидаги ишлардан ҳам қониқиш ҳосил қилиш мумкин. Юқорида саналган мактаб кутубхоналарида доимий равишда китоблар кўргазмаси, китобхонларни жалб этиш учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Деворий газеталар, янги китоблар рўйхати, «Ўқидингизми?», «Жуда қизиқ» каби бурчаклар ташкил қилинган.

Фарғона вилояти шаҳар ва туманларида ташкил қилинган «Марказлаштирилган кутубхоналар тизими» ҳам самарали ишламоқда. Ушбу марказ қошида мактаб кутубхоначиларининг илғор тажрибаларини оммалаштириш мақсадида бир қатор машғулотлар ташкил қилинган, шунинг учун ҳам бу вилоятда китоб ўқиш даражаси бошқа вилоятлардан анча юқори.

Лекин республика бўйича ҳамма жойда ҳам ишлар қувонарли эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 1-мактаб гимназиясида 80 ўқитувчи ва 793 ўқувчидан 200 нафаригина кутубхонага аъзо холос. Баъзи мактаблардаги ҳолат бундан ҳам ачинарли.

Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 17-мактабда 106 ўқитувчи, 1154 ўқувчидан 60 ўқувчи ва 40 ўқитувчининг аъзо эканлигини қандай баҳолаш мумкин? Ушбу мактабда ўтказилган сўровда 11-синфдаги 25 нафар ўқувчидан бирортаси ҳам мактаб кутубхонасига аъзо эмаслигини ёки 7-«в» синфдаги 26 ўқувчидан бор-йўғи 2 нафари аъзо эканлиги маълум бўлди. Ваҳоланки, Қашқадарё вилояти таълим муассасаларига китоб харид қилиш бўйича Республикадаги юқори кўрсаткичларга эга.

Юқорида қайд этилган муаммо ва нуқсонларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги таклифларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз.

— Китоблар билан таъминлашнинг чекка қишлоқларгача етиб бориш жараёнини доимий назоратга олиш лозим.

— Мактаб маънавий-маърифий ишлари ва кутубхона ишларини узвий боғлиқ ҳолатда ташкил этиш дастурлари яратилиши давр талабидир.

— Мактабларда газета ва журналларга обуна назорат остида бўлиши керак.

— Мактаб кутубхоналари фаолиятини, ўқувчиларнинг китоб ўқиши жараёнини маънавий-маърифий тарбия ишлар бўйича директор ўринбосарлари ҳамда синф раҳбарлари назорат қилиб боришлари зарурлиги белгилаб қўйилиши лозим.

— Мактаб метод бирлашмалари, ўқитувчилар, мактаб раҳбарларининг ўқувчилар китоб ўқиш фаолиятини текшириш масъулиятини ошириш, ўқувчилар китобхонлигини ривожлантириш мақсадида «Энг китобхон ўқувчи», «Энг китобсевар синф» кўрик-танловлари ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга.

— Илғор мактаб кутубхоналари фаолиятини оммалаштириш мақсадида вилоятлар ва туманларда «Энг яхши мактаб кутубхонаси» кўрик-танловлари ўтказилиб турилиши лозим.

— Мактаб кутубхоначилари билан семинарлар, амалий машғулотлар ташкил этишни йўлга қўйиш, «Илғор кутубхоначи», «Ижодкор кутубхоначи» каби танловлар ўтказиш ва ғолиблар ишини оммалаштириш ҳам яхши натижа беради.

# МАКТАБ КУТУБХОНАЛАРИНИНГ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

— Туманларда кутубхоначилар метод бирлашмаларини ташкил этиш ва тажриба алмашишни йўлга қўйиш мақсадида мактабларда амалий тадбирлар «Фикр манбаи - кутубхонада» мавзусида семинар-кенгашлар уюштиришни тавсия этамиз.

— Туман ва вилоят миқёсида «Энг китобхон мактаб», «Энг китобхон синф», «Энг китобхон оила», «Китобсевар ўқувчи» каби танловлар ўтказиш ҳамда республика миқёсига олиб чиқиш, уни доимийлаштириш, матбуот орқали оммалаштирилишини йўлга қўйиш ҳам кутубхона ишининг муҳим масаласидир.

**Ж. ФОЗИЛОВ,**
**ХТВ «Маънавият ва қўшимча таълим» бошқармаси бошлиғи,**
**Р. КЕЛДИЁРОВ,**
**Республика илмий-педагогика кутубхонаси директори**

## ЁШ НАЗОРАТЧИЛАР РЕСПУБЛИКА СЛЁТИ

Яқинда Наманган вилояти Чуст туманининг сўлим Ғова қишлоғидаги «Ором» болалар ёзги дам олиш оромгоҳида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Автомобил транспорти давлат акционерлик корпорацияси, Қизил ярим ой жамияти Марказий қўмитаси, «Камолот» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамкорлигида болалар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, уларни йўл транспорти ҳодисаларидан жароҳатланишининг олдини олиш, йўл ҳаракати қоидаларини болалар ўртасида тарғиб қилиш борасида ибратли тадбирлардан бири — «Йўл ҳаракати ёш назоратчилар Республика слёти» ўтказилди.

Слётга республикамизнинг вилоятларда ғолиб чиққан 14 жамоа ва уларнинг раҳбарлари тўлиқ қатнашдилар. Мусобақаларда қуйидагича натижаларга эришилди: Наманган вилояти жамоаси 103 балл билан I ўринни;

Андижон 91 балл, Бухоро 90 балл билан II ўринни;

Навоий 88 балл, Қашқадарё 87, Тошкент шаҳри 86 балл билан III ўринни эгалладилар.

Ғолиблар ва барча слёт қатнашчиларига вазирлик ва ташкилотларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари топширилди. Республика слёти қатнашчилари ва ташкилий қўмита аъзолари слёт ишини юқори даражада ташкил этишда фаол қатнашган вилоят ХТБ, ИИБ раҳбарларига, Чуст тумани ҳокимияти, ХТБга ва оромгоҳ раҳбарларига миннатдорчилик билдирдилар.

**Санжар МИРСОЛИҲОВ**



*Ўқувчи мактабни тамомлади. У 11 йил билим олди. Эндигина 16-17 ёшга кирган ўсмир ҳаётининг ўн бир йили ўқишга сарфланди. Хўш, энди нима қилмоқ керак? Албатта, бу саволга ҳар кимнинг жавоби ҳар хил.*

*«Бешикдан қабргача илм изла» деган даъват замиридаги нурни теран ҳис қилган ёшлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ошиқмоқда. Қабул жараёнидаги синовлар натижаси уларнинг етуклик даражасини аниқлаш билан бирга, жойларда ота-оналару-ўқитувчилар, маҳаллий бошқарув ходимларининг ёшларга бўлган эътиборини ҳам намоён қилади. Қаердаки мактаб партасида ўтирган ўқувчи хоҳиш-истаклари, имкониятлари етарлича баҳоланса, шубҳасиз, ўша ҳудудларда кадрлар муаммоси ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шу жиҳатдан қараганда, Шайхонтоҳур тумани ХТБнинг амалга ошираётган ишлари ибратлидир. Бу ерга туман мактабларини тамомлаган, олийгоҳларда ўқишни давом эттириш истагидаги ўқувчилар учун математика, она тили, чет тиллари каби фанлар бўйича бепул курслар ташкил этилган. Курсларни олиб боришга энг кучли, маҳоратли педагоглар жалб қилинган.*

*Шу билан бирга, туманда 6-7 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнлари ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилган. Ушбу гуруҳ боланинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий имкониятлари билан тўла ҳисоблаша оладиган ва холис ташхис қўя оладиган мутахассислар билан таъминланган. Зеро, улар эртанги кун эгаларининг тақдирига бефарқ қараш жамият учун нақадар мудҳиш оқибатларга сабаб бўлишини чуқур ҳис қиладилар.*

**Шаҳноза СОАТОВА**

**Суратларда:** 1. Файзулла Зикриллаев математика фанидан машғулот олиб бормоқда.

2. Педиатр М. Иноятова ва психолог Д. Раҳимова болаларни кўрикдан ўтказиш жараёнида.

**Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**

# САККИЗ ЙИЛЛИККА САККИЗТА ЯНГИ МАКТАБ

(Боши 1-бетда)

Қисқаси ИМКОНИЯТ билан ИСТАК бирлашди, иш юришди. Бу орада қурилиши тўхтаган бошқа мактабларни ҳам аниқладик. Ўша хўжаликларда ҳам имконият борлигини билардим. Негаки, бу йил хўжаликларимиз тамакидан анча даромад билан чиқишди. Хаёлимдан саккиз йилликда саккизта мактаб қуриш мумкинмикан деган фикр ўтди. Ҳеч кимга, ҳатто ўринбосарларга ҳам айтмасдан бу фикрни таҳлил қилиб чиқдим.

Бир тўхтамга келгач, кейин ўринбосарларга маслаҳат солдим. Хўжалик раҳбарлари билан бирга муҳокама қилдик, бу ургутликларнинг мустақиллик байрамига тўёнаси бўлади, деган хулосага келдик. Ҳаракат бошланди. Июнь ойининг бошларига келиб, саккизта мактабни кечи билан 20 августга қадар, топшириш мумкинлиги аёнлашди. Вилоят ҳокимлигига махсус хат билан чиқдик. Ҳокимимиз бу ташаббусимизни маъқуллаб, ишимизни қўллаб-қувватладилар.

Ҳозир айрим пардозлаш ишлари ва мактабларнинг ҳовлиларидаги ободончилик ишларини амалга ошириш қолди. Қолган 40 кунда уларни ҳам якунлаймиз.

## Минг эшитгандан бир кўрган афзал,

деган нақл бор. Ҳокимнинг гапларини амалда кўриш учун аввал ҳокимнинг ўзи билан, кейин қурилиш ишлари бўйича ҳоким муовини Шуҳрат Алиев билан туманнинг Қашқадарёга чегарадош қисмидан бошлаб, қўшни Тожикистон Республикаси чегарасигача бўлган кенгликдаги ҳудудда қурилаётган янги мактабларда ишнинг бориши билан танишдик. Қурувчилар, қишлоқ аҳолиси билан суҳбатлашдик.

Ҳар бир ишнинг натижаси баҳамжиҳатликда, халқнинг қўллаб-қувватлашида. Ҳоким қуриладиган ҳар бир мактаб ҳудудидаги аҳолини йиғиб, маслаҳат солибди, тушунтирибди, халқ қўллабди. Ахир, ким ўз фарзанди камолини ўйламайди, дейсиз. Қўлидан иш келадиган инсон навбат билан мактаб атрофини ободонлаштириш ва бошқа ишларга аралаша бошлабди. Айниқса, раҳбарлар ўқитувчиларнинг лойиҳаси ўзига хос. 1,2 ва 3 қаватли замонавий бинолар, ҳар бирининг ўз стадиони бор, аксариятида спорт зали мавжуд. Мактаблар ўз вақтида ишга тушиши аниқ. Чунки, иш режали ташкил этилган. Ҳар бир объектга туман раҳбарларидан масъул шахслар тайинланган. Масалан, туман ҳокими бир мактабга, ҳокимнинг барча ўринбосарлари алоҳида-алоҳида мактабларга масъул. Ишнинг бориши ҳар куни таҳлил этилади.

Ҳоким хўжалик раҳбарларидан хурсандлигини яширмади. Тўғри, аввалига айримлар бу ишга унчалик хоҳиш билдиришмади, бироқ энди бу ташаббус учун барча ҳокимга раҳмат айтмоқда. Мактабга сарфланадиган маблағ яна бошқа ишларга сарфланиши мумкин эди. Бироқ мактабнинг ўрни бўлакча...

## Жаҳолатга қарши маърифат

Ўзини Мамарайим Самадов деб таништирган оқсоқоллардан бири мактабнинг муқаддас даргоҳ эканлигини, чунки у болаларга билим беришини, уларнинг кўзини очишини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, Туркистон жадидларининг карвонбошиси–Маҳмудхўжа Беҳбудий айтмиш «Мактаб – дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрлисидур. Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари илан ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққийи ривожига ижтиҳод қилурлар». Аср бошида айтилган бу фикр ҳар қандай замонда ҳам долзарб ва аҳамиятли бўлиб қолаверади.

Янги мактаб ибратхонадир. Бола шундай кошонада ўқиганидан завқ олади, диди тарбия топади. Ўзи эса вақти келиб боласининг бунданда яхши шароитда ўқиши учун қайғуради. Иккинчидан, газетамизда эълон қилинган «Ҳушёрликка даъват» — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ЎзА мухбири саволларига берган жавобларида мактабларда ташкилотлар, тўгараклар фаолиятини ташкил этишнинг аҳамияти, зарурати очиб берилганди. Шу маънода янги мактаб қурилгач, ўқиш икки сменадан бир сменага ўтади. Болалар билан тўгаракларда ишлаш имконияти туғилади, бунда боланинг бўш вақти мазмунли ўтади, қоласа, ёмон йўлларга кириб қолишнинг олди олинади. Тўгараклар нафақат боланинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга, балки унинг фикрини ўстиришга, касбга йўналтиришга хизмат қилади. Учинчидан, янги мактаб албатта ўз стадионига ёки спорт залига эга бўлади. Болалар бу ерда жисмонан чиниқадилар. Юртда ақлли, шу билан бирга соғлом, бақувват ёшлар етишади. Тўртинчидан... мактабнинг хислатларини санайверсак тугамайди.

Бугунги иқтисодий юксалиш, ўзлигимизни англаш даврида Ургутда ҳам ўзига хос қийинчиликлар, муаммолар мавжуд. Дейлик, ақидапарастлар таъсирига тушган – йўлидан адашганлар ҳам йўқ эмас. Лекин биз бу ерда Президентимизнинг «Жаҳолатга қарши маърифат», деган фикрларига ҳамоҳанг ҳаракат бошланганлигига гувоҳ бўлдик.

## Муносабат – сўнгсўз ўрнида

Яхши ишга ҳамма яхши кўз билан қарайди, яхши сўзларини аямайди, яхши ёрдамларини беради. Мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлаш, жумладан, янги мактабларни электрлаштириш, газлаштириш ва ички жиҳозлар билан таъминлаш учун ёрдам бериш мақсадида Самарқанд вилоятида махсус қарор қабул қилинибди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Абди ака Маматов бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Авария ҳолатидаги мактабларнинг ўрнига янги замонавий мактаблар қуриш бўйича вилоят ҳокимлигининг қарори чиққан. Шу йил сентябрь ойигача вилоятдаги авария ҳолатидаги барча мактаблар ўрнига янги мактаб бинолари қуриб ишга тушириш ниятидамиз.

Ургут тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан мустақиллигимизнинг саккиз йиллик тўйига саккизта янги мактаб қуриладиган бўлди. Бу туманимиз ҳокими маънавиятнинг қадрига етадиган раҳбар. Шу боис, маърифат-маънавият ўчоғи бўлмиш замонавий мактабларни қуришдан ишни бошлади. Вилоят ҳам бу савобли ишдан четда қолмайди. Жиҳозлаш ишларига халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда имкониятдан келиб чиқиб, ёрдам берамиз.

Яхшидан нафақат боғ, балки яхшидан мактаблар ҳам қолади. Шу боис бундай ташаббус юртимизнинг барча туманларига юқсин деймиз.

**Ҳалим САЙИД**

**Самарқанд вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасининг навбатдаги IX Пленуми бўлиб ўтди.**

**Пленум касаба уюшмалари фаолияти учун ғоят муҳим саналган «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонун ва Меҳнат Кодексига биноан тармоқ ходимларини ҳимоялаш бўйича олиб борилаётган ишлар, ҳамда 1999 йил – Аёллар йилида қабул қилинган тадбирларнинг бажарилиши ҳақида»ги масалани муҳокама қилди. Бу масала юзасидан вилоят тармоқ қўмитаси раиси Ҳ.Нормуродов сўзга чиқиб, шу йил 14-15 апрель кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг XIV сессиясида Президентимиз сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган кенг кўламли вазифаларга эътибор қаратди.**

**Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралардан бири касаба уюшма ташкилотларидир. Чунки, адолат касаба уюшмалари фаолиятининг асоси бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.**

**Меҳнаткашларнинг ҳуқуқий манфаатларининг асосий воситаси бу жамоа шартномалари ҳамда тармоқ шартномаларини тузиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишдан иборатдир.**

**Меҳнат Кодексининг 29-моддасида таъкидланганидек «жамоа шартномаси корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир». Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни меҳнат тартибига бўйсунган ҳолдаги тарафлар келишуви бўлиб, унда меҳнат қоидалари ва норматив ҳужжатларга биноан белгиланган шартлар асосида, ҳақ эвазига бажариладиган иш ўз ифодасини топади.**

**Бу борада Пленумда қизғин мунозара бўлди. Сўзга чиққанлар ўз фикр- мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.**

**Аёллар йилида қабул қилинган тадбирларнинг бажарилиши хусусида гапирилганда, аввало, сўз давлатимизнинг аёллар турмушини енгиллаштириш, уларнинг ҳаётини янада мазмунли қилиш, иш кунини қисқартириш каби ғоят ижтимоий муҳим тадбирлар ҳақида юритилди.**

**Самарқанд Давлат университети касаба уюшма қўмитаси раиси Ш. Ҳамроева талабалар ўртасида амалга оширилаётган ҳуқуқий, маънавий-маърифий ишлар борасида, Каттақўрғон туман қўмитаси раиси З. Турсунов мактаблар ва болалар боғчаларидаги ходимларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, ижодий меҳнат қилиш учун етарли шароит яратиб бериш ҳақида гапирдилар.**

**Пленумда сўзга чиққан Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор Ю.Н. Абдуллаевнинг нутқи барча иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. У Республикамизда ва вилоятимизда илмий ходимлар ва талабалар онгини мустақиллик ғоялари билан суғориш, Президентимиз И.А. Каримовнинг қайта-қайта ҳушёрликка даъват қилаётганликларининг асл сабаблари ва масала моҳиятига алоҳида эътибор қаратди.**

**Пленумда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитасининг раиси, профессор И.Ҳ. Абдуғаниев қатнашди.**

**Пленум танқидий руҳда юқори савияда ўтди. Шунингдек, унда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят қўмитасининг навбатдаги XXIV конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.**

**Ф.Каримов**

# КУН ТАРТИБИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

## ЯНГИ ФАКУЛЬТЕТ ОЧИЛДИ

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида янги, «Ижтимоий фанлар» факультети очилди. Бу янги факультет хозирча фақат кундузги бўлимдан иборат бўлиб, шунга илк абитуриентлар ҳужжат топширишяпти. Бу йил факультетга кириш учун абитурентлар тарих, тил-адабиёт ва чет тиллардан тест синовлари топширишади.

**Азиза ҲУСАНОВА**

## ИЛК «ҚАЛДИРҒОЧ»ЛАР

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги 1- иқтидорли болалар лицейи очилганига икки йил бўлди. Мана шу икки йил ичида лицейда туман мактабларидан танлаб олинган иқтидорли болалар она тили ва адабиёт, математика-информатика, тарих, физика, иқтисодиёт, кимё, биология ва бошқа фанлардан малакали мутахассислардан дарс олаяптилар. Лицейда ўқувчилар ётоқхона ва 3 махал иссиқ овқат билан таъминланган. Ўқувчиларга шароитларни имкон қадар яхшилашда лицей директори Мустафо Эргашев ва математика-информатика фани ўқитувчиси Абдухамид Алимовларнинг хизматлари каттадир. Бу йил лицейнинг 50 нафар битирувчи «қалдирғоч»лари олий ўқув юртларига ҳужжат топширган.

**Дилноза БЕГИМҚУЛОВА,**
**ТошДУ 3-курс талабаси**

O'qituvchilarning Avgust kengashlari

# АНЖУМАН ИККИ БОСҚИЧДА ЎТКАЗИЛАДИ

*Янги 1999-2000 ўқув йили кун сайин яқинлашмоқда. Унга тайёргарлик қай даражада бораётир. Ўқитувчиларнинг анъанавий Август кенгашлари тартиби қандай бўлади? Унда қандай долзарб вазифалар муҳокама қилинади? Ҳар бир муаллимни шу каби саволлар қизиқтириши табиий.*

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим Бош бошқармасидан бизга маълум қилишларича, Республика халқ таълими ходимларининг 1999 йилги анъанавий Август кенгашлари жойларда 20-28 август кунлари ўтказилиши режалаштирилган. Анжуман икки босқичда (ялпи мажлис ва фанлар йўналишидаги шўъба йиғилишлари шаклида) ўтказилади.*

*Халқ таълими вазирлиги томонидан жойларда мазкур тадбирни ўтказиш юзасидан тайёрланган тавсияларда вилоят, туман (шаҳар) халқ таълими ходимлари кенгашларининг ялпи йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказиш, кенгашдаги маърузаларнинг тахминий мавзулари, кенгашнинг сифати ва самарадорлигини таъминлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилган. Кенгашнинг ялпи йиғилишларида вилоят, туман (шаҳар)-лар раҳбарларининг қуйидаги мавзуларда маруза қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, вилоят, туман (шаҳар) ҳокими Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузаси асосида «Республикамизнинг мустақиллик йилларида эришган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ютуқлари, ички ва ташқи сиёсати, мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида», Вилоят, туман, шаҳар халқ таълими бошқарма ва бўлимларининг раҳбарлари «Республикамиз истиқлолидан кейинги даврда туман (шаҳар), вилоят халқ таълимининг ривожи: муаммо ва ечимлар», «1998-99 ўқув йилининг якунлари ва «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида янги 1999-2000 ўқув йилидаги вазифалар» тўғрисида маруза қилишлари зарур.*

*Туман (шаҳар) ички ишлар, соғлиқни сақлаш, мудофаа ишлари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раҳбарлари эса анжуманда комил инсонни тарбиялашга қўшаётган ҳиссалари хусусида батафсил сўз юритадилар.*

*Бундан ташқари, анжуманда фанлар бўйича методбирлашма раҳбарларининг ҳисоботлари тингланади ва анжуман тавсиялари қабул қилинади. Муҳими, кенгаш ялпи йиғилишларида вилоят, туман (шаҳар) «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси раҳбарлари, маҳаллалар кенгаши раисларининг чиқишларини ҳам ташкил этиш назарда тутилмоқда. Қисқаси, ҳозирги кунда жойларда анъанавий Август кенгашларига ва янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари қизғин давом этяпти.*

**Қ. МАТҚУРБОНОВ**

Teran tomirlar

# БОБОЛАР ЮРТ ТУЗГАНИДА...

Тарих, таъбир жоиз бўлса, ўзликни англашдан бошланади. Миллий ўзлик деган тушунча мавжуд. Бу ўз наслу-насабини, халқи, миллатининг яшаш, тараққиёт йўлларини чуқур билиш демакдир. Ўзлигини англаган инсон катта қудрат соҳибига айланади. Унинг энг кучли қуроли ҳам тарихдир. Тарих – келажакнинг тарбиячиси, маънавиятимизнинг бешигидир. Ўз тарихини чуқур биладиган, у билан фахрланадиган киши – ибрат олса арзигулик зотдир.

Олисга бормайлик, Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Салоҳиддин Тошкандий, Ибн Арабшоҳ сингари муаррихларнинг китобларида Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти, ғолибона юришлари батафсил ифода этилган. Айни пайтда, ушбу нодир қўлёзмаларда ўша давр манзаралари ҳам жуда кенг ёритилган. Бугун ушбу қўлёзмалар китоб ҳолида чоп этилди, ташналик билан тикланган ўлмас обидаларни, шаҳарларни кўриб, китобларни ўқиб, онг кўзимиздаги ғуборлар ўчиб кетди. Номи қаттиқ таъқиб остида бўлган пири комил Хожа Аҳрор Валий ҳазратларининг муборак мақбараси тикланди. Пайғамбаримизнинг ҳадислари чоп этилди. Имом ал-Бухорийнинг шижоатига ҳали ҳамон таҳсинлар ўқимоқдамиз. Маълум бўлмоқдаки, ўзбеклар энг қадим тарихга эга халқлардан экан. Ўзбек давлатчилиги тарихи салкам уч минг йилга бориб тақалади.

«Биз... Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворисмиз», деган эди Президентимиз «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида. Шундай экан, бундай улуғ зотларнинг ворислари юртбузар бўлиши мумкин эмас. Ўз тарихини, ўз миллий анъаналарини яхши билган авлоднинг разил ишларга қўл урмаслиги аниқ. Инсон «киприк қоққунча»лик қисқа умри давомида ўзидан яхши излар қолдиришга интилади: биноларни қуради, давлатлар тузади, боғ-роғлар яратади, асарлар битади.

Дунёдаги барча моддий ва маънавий меросимизнинг ўз илдизлари, сарчашмалари бор. Мана шу тарихлардан бир бутун ҳолда Ватан тарихи бунёд бўлади. Тарихни зарра-зарра ўрганиш, аждодларимиз яратган бебаҳо меросдан баҳраманд бўлиш, айни пайтда келажакнинг буюк тамал тошини қўйишдир.

Тарих ўзи шунчаки ўз йўлида хотиржам кетаётган карвон эмас. Унинг йўли гоҳ долғали, гоҳ фожеавий кечади. Биз Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Тоҳирийлар, Темурийлар давлати ҳақида кўп гапирамиз. Шонли саҳифалар қанча кўп бўлса, фожеавий зарбалар ҳам бисёрдир. Узоққа бормайлик, 1917 йил «инқилоби», 1933 йилги очарчилик, 1937 йилда бошланган қатағон, иккинчи жаҳон уруши, 50-йиллар қатағони, 80-йиллардаги «пахта иши»... Буларнинг ҳар бири халқимиз тарихида из қолдирган жароҳатлардир. Бугун Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш билан бир қаторда, маънавиятга, маърифатга, хусусан, тарихимизга жуда катта эътибор берилаётгани барчамизга куч-ғайрат, илҳом бахш этаётир. Улкан тарихни яратган халқнинг авлодлари сифатида ота-боболардан мерос қолган Ватанимизни ҳар қандай иллату тазйиқлардан муносиб ҳимоя этишимиз керак. Зеро, миллий мафкурамизнинг илдизлари ҳам ниҳоятда қадимдир.

Тарихимиз – очилмаган қўриқ. Ўзбек халқининг, ўзбек давлатчилигининг тарихини ўрганиш бўйича аниқ қўлланмалар йўқ ҳисоб. Ватанимиз ҳудудида ўз вақтида энг қадимги давлатлардан тортиб ҳукм сурган кўпдан-кўп, дейлик, ўрта асрлардаги Салжуқийлар, Сомонийлар, Темурийлар, Ғазнавийлар, Бобурийлар давлатларининг асл тарихлари яратилиши лозим.

Тарихни ўрганиш – миллий ғурур, ифтихор уйғотиши, ёшларимизни ватанпарвар қилиб тарбиялаш баробарида миллий мафкурамизга, миллий қадриятларга, ислоҳотларга келиб боғланади.

Президентимиз «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида айтадилар: «Миллий мафкура авваламбор ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт». Бу гаплар ҳаммамизга дастур, йўлланмадир. Бундай масъулиятли вазифаларни айрим бир гуруҳ, ҳатто, таниқли тарихчи олимларимиз бажариши мушкул. Қаердаки кексалар тажрибаси ҳамда ёшлар шижоати омухта бўлса – ютуққа эришиш муқаррир.

**Исмоил САИФНАЗАРОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор**

Kadrlar tayyorlach milliy dasturi — amalda

# ФУТБОЛ ЮЛДУЗЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ РЕЦЕПТИ... ТАЪЛИМ МАЗМУНИДА

*„Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди“.*

**Ислом КАРИМОВ.**

Республика Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузаларида: “Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Бизнинг бугунги меҳнатимизга қандай баҳо берилиши ҳам ана шунга боғлиқ” , деган эдилар.

Дарҳақиқат, бу сўзлар мамлакатимизда таълимни ислоҳ қилиш бўйича бекиёс вазифалар турганини англатади. Зеро, фарзандларимизнинг жисмонан соғлом, ақлан баркамол, Ватан манфаатларини ҳар қандай шароитда шараф билан ҳимоя қила оладиган фуқаролар бўлиб етишишларида бугунги олиб борилаётган таълим-тарбия жараёни давр талабига ҳозиржавоб бўлиши, унинг мазмуни давлат ва жамият эҳтиёжига мос бўлишини тақозо этади. Бу эса Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этишнинг ҳал қилувчи гаровидир.

Шу мезоний тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, олдимизда турган улкан вазифалар ечимини футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар мисолида кўрсатишга чоғландик. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1996 йил 17 январдаги қарорига биноан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда, шунингдек, Тошкент шаҳрида футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ташкил қилинган эди.

Спортнинг футбол турига тааллуқли бу таълим муассасасининг тажриба майдончаси сифатида олиниши бежиз эмас. Президентимиз айтганларидек, “Спортчи майдонга ўз юрти, ўз халқи номидан тушади. Унинг ғалабаси шарафига Давлат мадҳияси янграйди, мамлакат байроғи кўтарилади. Ҳар бир мамлакат, миллат ўз чемпионлари билан фахрланади. Шунинг учун ҳам улар Ватаннинг ифтихорлари ҳисобланади”.

Таълим соҳасида рўй бераётган ислоҳотлар доимий диққат эътиборимизда бўлмас экан, улардан кутилаётган натижалар самараси кўнгилдагидек бўлмайди. Авваламбор, ҳаммамиз бир нарсани эътироф этишимиз керак. Таълимнинг кучи ва таъсири — унинг мазмунидадир. Шу боисдан, биринчи навбатда, биз футбол мактаб-интернатлари ўқув режа ва дастурлари мазмунини таҳлилдан ўтказдик. Натижалар у қадар яхши бўлмади. Улар эскича қарашлар асосида тайёрланган бўлиб, ёшларни мустақил фикрлашга даъват этмайди, ўқувчиларнинг онги ва тафаккурида Ватан туйғуси, миллий ғурур ва ифтихор, маънавият асосларини шакллантиришга қаратилмаган. Умуман, мактаб ўқув режасига бирорта маънавий-ахлоқий предмет киритилмаган. Ихтисослик фанлари эса ўлда-жўлда, илмий-методик жиҳатдан таъминланмаган ҳолда олиб борилган. Мактаб-интернатларнинг ташкил этилганига уч йил бўлганига қарамасдан уларнинг моддий-техник базаси ёмон аҳволда. Мактаб кутубхонаси ҳақидаку гапирмаса ҳам бўлади.

Таҳлил натижалари ва аниқланган камчиликлар, беихтиёр, бизнинг футболда кузатилаётган беуқувлик, иродасизлик, паст даражадаги тактик ва техник тайёргарлик, умуман айтганда, миллий футболимизда ҳукм сураётган тушкунликнинг илдизи айнан футбол мактаблари таълим мазмуни билан боғлиқ эмасмикан, деган фикр уйғотади.

Янгиликка интилган ҳолда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси ва ҳаракати билан футбол мактаб-интернатларининг ўқув режа ва дастурлари тубдан қайта кўриб чиқилди. Унга мактаб тизимида илк бор маънавий-ахлоқий предметлар блоки киритилди. Мазкур блок “Ўзбекистон ифтихорлари”, “Ватан туйғуси”, “Маънавият асослари” ва “Нутқ маданияти” каби янги предметларини ўзига қамраб олди.

Ростини айтиш керак, ўқув режасига янги предметларни киритиш осон кечмади. Минг афсуслар бўлсинки, ҳанузгача айрим рахбар ходимлар таълим мазмунини ислоҳ қилишга, уни такомиллаштиришга қаршилик кўрсатишмоқда. Баъзи шундай ходимлар — “Ватан туйғуси”, “Ўзбекистон ифтихорлари” ёки “Нутқ маданияти”ни алоҳида предмет сифатида ўқитиб бўлмайди, бундай предметларнинг ўзи ҳеч қаерда йўқ, мана математика, химия ёки физикани предмет деса бўлади, дейдилар. Бу гапларни тинглаб, аввало ҳайрон қоласан киши, нахотки уларнинг онги шу даражада қотиб қолганки, маънавий-ахлоқий таълимнинг моҳиятига етишмаса. Сўнг, бир фикрга келасанки, бу тоифадаги кишилар умуман янгиликка қарши бўлади, чунки бунёдкорлик тинимсиз меҳнат қилишни, ўз ишига фидойиликни талаб этади. Бу фазилатларга эга бўлиш эса ҳаммага ҳам насиб этмайди.

Олдимизга ўқувчиларни жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш билан бир қаторда уларга ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқимизга хос юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни узлуксиз равишда шакллантиришни асосий вазифа қилиб қўйдик. Бу вазифани адо этиш учун футбол мактаб-интернатларида ўтказилиши зарур бўлган махсус маънавий-маърифий анъана ва маросимлар тизими ҳам ишлаб чиқилди. Чунки ҳар бир мамлакатнинг ўзлиги, қиёфасини белгилаб турадиган номи, давлат рамзлари бор. Ушбу тизим таркибига давлатимиз байроғи ранглари тасвирланган махсус футбол формаси жорий этилиши, мактабнинг марш темпида айтиладиган кўтаринки руҳли ўз қўшиғи бўлиши, футбол мусобақаларини бошлашдан олдин давлат мадҳияси ижро этилган, сўнг барча жамоа аъзолари давлатимиз байроғига тантанали таъзим беришлари каби анъана ва маросимларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу борада амалий тадбирлар, услубий қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда ва пировард натижада ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи ҳақаратчан механизм яратилади ҳамда мавжуд эскича қарашларга барҳам берилади.

Маълумки, ҳар бир махсус таълим муассасасида ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва зарур амалий кўникмаларга эга бўлиш қобилияти бевосита улар билим юртига қандай танлаб олинганига боғлиқ. Футбол интернатларига шу йилгача қабул масаласига расмиятчилик билан, ўқувчиларни жисмоний ривожланганлиги ва тайёргарлигига нисбатан юзаки ёндошганлигимиз боис ижобий натижаларга эриша олмадик. Шунинг учун мактаб-интернатларга ўқувчилар танлаш ва қабул қилиш тўғрисида илмий ва амалий жиҳатдан асосланган янги Низом ишлаб чиқилди (1999 йил 10 июлдаги “Маърифат” газетаси). Уни ишлаб чиқишга соҳа мутахассислари И. Н. Кожбахтеев, А. П. Блинков ва бошқалар жалб қилинди. Янги Низомга биноан интернатга 10-11 ёшли умумий бошланғич таълим босқичи (4-синф)ни тугатган ўқувчи-номзодлар рейтинг тизими бўйича танлаб қабул қилинадилар. Номзодларнинг, аввало, жисмоний ривожланганлиги (бўйи, оғирлиги) баҳоланади. Сўнгра улар учун футбол ихтисосига оид имтиҳонлар, умумтаълим фанлари (математика, она тили) бўйича тест синовлари ташкил этилади ва махсус танлов ўтказилади. Низомга асосан ўқувчиларни интернатга қабул қилишни ташкил этувчи қабул комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Футбол федерацияси, олий таълим муассасалари вакиллари жалб этилади.

Футбол интернатлари таълим-тарбия ишларига олий лиганинг етакчи футболчилари, жисмоний тарбия институтининг олий тоифали мутахассислари, футбол бўйича ихтисослашган энг яхши спорт журналистлари жалб қилинадилар. Ўқиш давомида энг замонавий педагогик ва ахборот технологиялари қўлланилади. Кутубхоналар фондига алоҳида эътибор қаратилади. Улар, айниқса, маънавий-маърифий мавзулардаги манбалар, турли тилларда нашр этилган футболга оид дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан бойитилади. Тарбияланувчиларга олий лиганинг барча футбол мусобақаларини стадионга бориб кўриш ва ўқув машғулотларида чуқур таҳлил қилиш имконияти яратилади. “Футбол назарияси ва амалиёти” предмети дарсларида ўқувчилар футбол ўйини тактикаси ва техникасини мукаммал ўзлаштириб борадилар. Ўқиш мобайнида республика миқёсида турли мусобақалар ўтказилади ва ўқувчиларнинг амалий кўникмаларига баҳо берилади. Синфдан синфга ўтишда ўқувчилар жиддий имтиҳонлардан ўтказилади. Белгиланган рейтинг кўрсаткичларга эриша олмаган ўқувчилар ўқув дастурини ўзлаштирмаган деб ҳисобланади ва ўқиши умумий ўрта мактабга ўтказилади.

Тарбияланувчиларнинг ўқишга, ўз маҳоратларини янада такомиллаштиришга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш мақсадида энг юқори рейтинг кўрсаткичларга эришган ўқувчилар учун махсус стипендиялар тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари белгиланади.

Хуллас, таълим мазмунини янгилаш борасида кўрилган барча чоралар 1999 йил футбол мактаб-интернатлари учун юксалишнинг таянч нуқтаси бўлиши ва беш йиллик ўқиш муддати тугаганидан сўнг улардан ёрқин футбол юлдузчалари етишиб чиқишига энди асос борлигига ишончимиз комил. Ёш футболчилар профессионал футбол клублари жамоаларида ўйнаш билан бирга ўз билим ва кўникмаларини махсус коллежларда оширадилар. Келажакда бу юлдузчалар нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон футболи ёрқин юлдузлари бўлиб камол топишидек орзуларимиз ҳам йўқ эмас.

Қилинган ишлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш Миллий дастури солномасида бир кичкина томчи бўлди, холос. Олдимизда ҳали ечимини кутаётган масалалар талайгина, вақтимиз эса чегараланган. Бу вазифаларни тўла-тўкис бажариш таълим соҳасида ишлаётган барча инсонлар учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Шу боисдан ҳам Президентимиз Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларида: “...авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳрсадоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳозирги кундаги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз” эканлигини алоҳида таъкидлайдилар.

**Алишер КАРИМОВ,**
**Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ.**

(«Халқ сўзи» газетасининг 1999 йил 15 июль сонидан олинди.)

Спорт соғлик гарови бўлиши билан бирга юртни дунёга танитишнинг энг асосий воситаларидан биридир. Биз спортни ривожлантиришга эътиборни кучайтирар эканмиз, бевосита спортчилар тайёрлашга ҳам мурожаат этамиз.

Спортнинг энг оммабоп тури бўлган футбол эса, барчанинг севимли ўйини. Республикамиз футболи бугун қай даражадалиги ҳаммага аён. Эртаси нима бўлади?

Худди шу саволга жавоб топиш мақсадида куни кеча Республика таълим марказида анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Президент девони масъул ходимлари М.Аҳматов, А.Каримов, Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й.Саиджонов ва республикадаги барча махсус футбол мактаб-интернатлари директорлари иштирок этдилар.

Тадбирни Й.Саиджонов кириш сўзи билан очди. У ўз сўзида мактаб-интернатлардаги мавжуд шарт-шароитлар ва футбол мактабига қабул қилиш тўғрисидаги янги Низом ҳақида гапирди.

Шундан сўнг Президент девони масъул ходими М.Аҳматов йиғилганларга: «Бу анжуманга нима сабабдан йиғилдик? Вазифаларимиз нималардан иборат?» деган савол билан мурожаат этиб, ўз сўзини бошлади. Махсус футбол

## БУГУНГИ ЎҚУВЧИ— ЭРТАГА ФУТБОЛЧИ

интернатлардаги ачинарли аҳвол, мактабнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида батафсил гапирилди. «Биз, - деди ўз сўзида М.Аҳматов, — нафақат кучли спортчилар, футболчилар, балки ўз тарихи, маданияти ва урф-одатларини биладиган, тилини ҳурмат қиладиган, хорижда фикрини чет тилида бемалол баён қила оладиган баркамол авлодни тарбиялашимиз керак. Энг аввало ёшларнинг маънавий оламини бойитиш жуда муҳимдир. Шунинг учун биз мактаб дастурига «Ўзбекистон ифтихорлари», «Ватан туйғуси», «Нутқ маданияти», «Маънавият асослари» каби фанларни киритдик. Болалар Ватан туйғусини теранроқ англасинлар, фикрларини равон айтиб бера олсинлар, юртимиз ифтихорлари бўлган спортчиларга ҳавас қилсинлар, улардан ибрат олсинлар».

Бундан ташқари, мактаб-интернатга ўқувчилар қабул қилишда боланинг иқтидорига, салоҳиятига, соғлигига алоҳида эътибор бериш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда «Ким ўз иши билан мақтана олади, қайси мактаб-интернатнинг фаолияти қониқарли даражада?» - дейилган саволга Фарғона вилояти футбол мактаби вакили «бизнинг мактаб», деб жавоб берди. Бу мактаб 1994 йилдан буён фаолият кўрсатади. Ҳокимликлар, корхона раҳбарлари билан мактабнинг алоқаси яхши. Ҳомий ташкилотлар мактабга доимо ёрдам бериб туради. 131 нафар ўқувчининг барчасида иқтидор, қобилият бор.

Хуллас, футболни четдан кузатиб ривожлантириб бўлмайди. Тўп тепа олган ҳар бир бола ҳақиқий футболчи бўлавермайди.Юрт шаъни деб , унинг обрўси деб майдонга тушадиган футболчини мактаб партасиданоқ тайёрлаш керак.

Бу ишни кечиктирмасдан амалга ошириш жоиз. Энг муҳими ишлаш, изланиш, тиним билмаслик ҳамманинг шиори бўлмоғи лозим. Шундагина биз кўнглимиздаги спортчини тайёрлай оламиз.

**Нигора ИСРОИЛОВА**

## Xullas...

### КЕЛИН-КУЁВЛАРГА «ТАШХИС»

Турмуш қураётган келин-куёвларнинг ҳаёти қандай кечади.

Бу жумбоқ.

Вашингтон университетининг психологи Жон Готтман ана шу жумбоққа ечим излаш билан овора.

Готтман ва унинг ҳамкасблари келин-куёвларнинг тақдири ҳақида хулоса чиқаришга обдон уриндилар. Ахир ўзингиз ўйланг, 130 жуфт (260 киши) келин-куёвнинг юриш-туришини ўрганиб чиқишнинг ўзи бўладими?

Олимлар эр-хотинларнинг ўзаро суҳбат чоғидаги ҳолатларини видеотасвирга туширавердилар. Улар айтган сўзлар асосида электрокардиограмма ва бошқа асбоблар орқали психологик тавсифномалар ишлаб чиқишди. Луқма, рад этиш, маъқуллаш, ҳазил-ҳузул ва бошқа маънодаги мулоқотлар таҳлили яхши ёки ёмон деб топилади. «Яхши» деб топилган умр кечиришига умид қилинади. «Ёмон»ига эса ажрим.

Хулоса шундай: бирбирини тушунадиганларнинг 80 фоизи бахтли жуфтлик, аксинчалари эса икки «қутб»га қараб кетадилар.

### ИНЖИҚ ТАБИАТНИНГ ШАФҚАТИ

Одамзот табиатга амр этолмайди. У ўз ҳолича, эҳтимол, Яратганнинг амри билан иш тутади. Ахир, қирқ кунлик чиллада шаррос ёмғир ёғишини нима деб баҳолаш мумкин? Молдавия деган юртда ҳам тафтли кунларнинг бирида момоқалдироқ титради. Чақин ҳар томонга чақнар, одамлар қўрқувдан зир-зир титрашарди.

Ҳомиладор аёл Валентина Гурская деразаларини очиқ қўйганди. Чақмоқ дераза орқали кирдими ёки деворни тешиб ўтдими, аёл буни сезмасдан ҳам қолди. Яшин Валентинанинг чап кўкрагига келиб тушди.

Зудлик билан етиб келган «тез ёрдам» Гурскаяни шифохонага элтди. Зарурий муолажалардан сўнг аёл ҳаётга қайтди.

Ҳозир унинг аҳволи тузук. Шифокорларнинг фикрича, ҳомила ҳам тирик. Аммо фарзанд ғайритабиийроқ туғилиши мумкин...

### БИР ОЙДАН СЎНГ... РУМИНИЯГА

Она Қуёшнинг қандай сир-синоатлари бор?

Бу ҳақда қилни қирқ ёрувчи олимлар ўйласин. Нур манбаи бўлмиш Қуёшнинг тутилишини кузатиш барчамизга қизиқ. Унинг вақти-вақти билан тутилиши оламшумул воқеадир.

11 августга бир ой ҳам қолмади. Руминияда шу куни Қуёш тутилиши кутилмоқда. Минглаб саёҳатчилар ўша куни Руминияда ҳозиру нозир бўлишлари аниқ.

Қуёш тутилиши Бухарест яқинида тўла кузатилади ва 2,5 дақиқа давом этади. Руминия ҳукумати бу ҳодисани реклама қилиш учун 14,6 миллиард лей ажратди. Тахминий маълумотларга қараганда, қуёш тутилишини 100 минг нафар киши келиб кўради.

Қуёш тутилиши — ноёб ҳодиса.

Демак, тантаналар ҳам шунга яраша бўлиши керак. Италия операси юлдузи Лучано Поворотти ўша куни Бухарестдаги очиқ майдонда ўз концерт дастурини намойиш қилмоқчи.

Дарвоқе, қуёш тутилишини кузатувчиларга Германияда махсус кўзойнаклар ишлаб чиқарилмоқда. Қуёш нуридан ҳимоя қилувчи кўзойнаклар бундай пайтда иш бермайди. Очиқ кўз билан кўриш эса ўта хавфли, кўр бўлиб қолиш мумкин.

Саёҳатчилар бу ҳодисани парламент биносига чиқиб томоша қилишлари учун 25 доллардан 50 долларгача тўлаб қўйишлари керак.

**ana shunaqa gaplar...**

«Маърифат» газетаси жамоаси газета ходими Даврон Баҳодировга акаси

**Жўрабой БАҲОДИРОВ**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

1999 yil — Ayollar yili

# АЁЛ - ОНА МУҚАДДАС

Аёл деганда кўз ўнгимизга аввало онамиз қиёфаси келади. Онани таърифлашга эса бийрон тиллар ҳам ожиздир. Буюк саркарда Амир Темурга ҳам, кураги ерга тегмаган Алпомишдек алпларга ҳам шу буюк зот ҳаёт ато этган.

1999 йил ҳурматли Президентимиз И.Каримов томонидан «Аёллар йили» деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳаётни аёлсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аёл бор экан, оламда гўзаллик бор, умид ва орзулар тирик. Аёл ўзининг нозик қўллари билан ҳам бешикни, ҳам дунёни тебратади. Ўзбекистон келажаги бўлган ёш авлодни ақлли, доно, зукко, Ватанига садоқатли қилиб шу заҳматкаш аёл вояга етказади. Бугун аёлларимиз фарзанд тарбияси билан шуғулланибгина қолмай, балки юртимизнинг гуллаб яшнашида, иқтисодий ва сиёсий соҳалар ривожига ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ватанимизда тадбиркор, ишбилармон, раҳбар аёллар сони тобора кўпайяпти.

Биз ёшлардан талаб қилинадигани аёлларимизни асрабавайлаш, уларнинг оғирини енгил қилишдир. Чунки у хоҳ раҳбар бўлсин, хоҳ тадбиркор, биз учун биринчи навбатда онадир. Онасини хор қилган фарзанднинг ўзи ҳам хор бўлади. Шундай экан, оналаримизни ғанимат билайлик, уларнинг дуосини олайлик. Зеро, она дуосидан улуғроқ неъматнинг ўзи йўқ. Шоир ёзганидек:

*Аёлга бахт беринг, саодат беринг,*
*Деманг, юрибди у, кулиб, жилмайиб.*
*Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин,*
*Дунёни олиши мумкин жилмайиб.*

**Зилола САТТАРОВА,**
**Мунира АСЛОНОВА**

Ehtirom

# МУАЛЛИМАНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

*БОЛАЛИК ХОТИРАЛАРИДАН*

1946-1947 ўқув йили мен 2-синфда ўқирдим. Ҳалиям қимматчилик ҳукм сураётган бўлса-да, энди-энди буғдой, жўхори нонлари кўпая бошлаган эди. Қуритилган мева қоқилари кўзимизни тўқ тутарди, нон бўлмаганда шуларни эрмак қилиб юраверардик. Меҳнат қилган хор бўлмас деганларидек, ўша пайтларда ҳамма қўл кучи билан тирикчилик юргизар, ким ишчан бўлса нонга қорни тўяр, дангасалар эса бировларга муте бўлиб, кунини аранг кўрарди.

Кунлардан бирида рус тили муаллимамиз Надежда Алексеевна (фамилиясини унутибман) дарс пайтида биздан бир бурда нон сўраб қолди: ***«Эрталаб чой ичмагандим, ноним йўқ эди. Кеча кечқурун ҳам овқатсиз ётдим. Қўшниларимдан сўрамоқчи эдим, уялдим, муаллим бўла туриб нон сўраб юрибди, дейишмасин дедим. Ҳаддим сизларга—ўз ўқувчиларимга сиғди. Очлигимдан кўнглим беҳузур бўлиб кетаяпти»***, деди бизга раҳм-шафқат куттандай мулойим товушда.

Афсуски, шу куни бизнинг уйда ҳам нон қолмаганди, ака-ука бугунча чидаймиз, деб нонсиз келгандик. Муаллима термулиб тураркан, болалардан бири унинг олдига папкасидан олиб, бир бурда зоғора нон қўйди. Кейин бошқа болалар ҳам ўқитувчимиз олдига арпа, буғдой, зоғора нонларидан қаторлаштириб бир неча бурда қўйишди. Надежда Алексеевна секинганиданми, нимадир эсига тушиб кетганиданми, аввалига табассум қилиб, сўнг юзларига қизил югуриб, ял-ял ёнгандек қизариб, ўзларини тутолмай, икки кафтлари билан юзларини тўсиб, йиғлаб юборди. Биз бу ҳолдан жимиб қолдик. Синф хонасида тиқ этган товуш эшитилмасди. Мунгли йиғи овозидан кўнглимиз бузилди.

Йиғлаганининг сабабини сўраганимизда Надежда Алексеевна шундай деди: ***«Уруш бошлаганда эндигина ўн олтига тўлган қиз бола эдим. Воронежга душманлар қадами етиб келганда мен омон қолиб, дадам, онам ҳалок бўлишган. Мени бир гуруҳ ёшлар билан Тошкентга кўчиришганди. Бу тарафларни тинч дейишган. Муаллимликка шу ерда ўқидим. Мусулмон халқи баҳри кенг, сахий бўларкан. Бир бурда нонларини биздан аяшмаган. Мана уларнинг фарзандлари сизлар ҳам нонларингни мендан аямаяпсизлар. Шунинг учун севинганимдан, қадримга етаётган одамларни эслаб, юрагимни бўшатиб олдим»***

Рус тили муаллимамиз ўзбек тилини ўз она тилидай пухта биларди. Русча сўзларни яхшилаб тушунинглар деб таржима қилиб туришлари бизга ёқарди. Икки тилда равон гапирарди. Эски Тошкент қишлоғида яшайдиган муаллимамиз уйида бўлганимизда кўрганмиз — китоб жавонларида русча китоблардан ташқари ўзбек адабиёти нашрлари ҳам кўп эди.

Республикамизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ўн йил тўлибди. Рус тили ўқитувчимни эслаган, пойтахтимизда бир неча йилдан буён яшаётган бошқа миллат вакиллари билан муомалага киришсам, ажабланаман. Тил ўрганиш шунчалик қийинмикан?!

Айрим даргоҳларда ишлаётганлар илмий ишларини ҳамон ўзбек тилида ёзишмайди. Биргина мисол. Яқинда санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ўн йил тўлиши муносабати билан илмий анжуман бўлиб ўтди. Маърузачи Муҳсин Қодировнинг маълумот беришларича, ходимларнинг саксон фоизи илмий ишларини рус тилида ёзишган экан. Бундай муносабат, албатта кишини ўйлантириб қўяди.

Ҳа, муаллимамиз Надежда Алексеевнага ўхшаган — халқимизнинг меҳру оқибатини кўрган, нонтузидан баҳраманд бўлган инсонлар тилимизнинг қадр-қимматини жуда баланд тутишарди. Уларнинг ҳурмат-эътибори, фаолияти, шоҳ, бошқаларга ибрат бўлса.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Бадиий Академиясининг аъзоси, санъатшунослик институти илмий ходими**

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати*: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Шуҳрат ЙИГИТАЛИЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0549. Тиражи 24.564. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

*«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.*

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 21.00.